## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-3889-сонли Фармонига

# ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги Фармони билан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча тоифалардаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар шу йилнинг 1 августидан бошлаб 1,25 баравар оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорлари:

— маориф соҳаси ходимлариники — 100 минг сўмдан, шу жумладан ўқитувчиларники — 117 минг сўмдан ошади;

— соғлиқни сақлаш ходимлариники кўпайиб, 87 минг сўмга етади, шифокорларники эса — 128 минг сўмдан ошади.

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори амалдаги 12420 сўм ўрнига 15525 сўмни ташкил этади. Шунга мувофиқ, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар, компенсация ва бошқа тўловлар мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини ошириш Давлат бюджети, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан таъминланади. Ушбу мақсадлар учун 2007 йилнинг охиригача салкам 460 миллиард сўм маблағ қўшимча равишда ажратилади.

Мазкур Фармонда хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш билан боғлиқ ҳолда ошириш ҳам назарда тутилган. Бундан ташқари, хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимлари иш ҳақини оширишнинг ишончли манбаларини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг бошидаёқ хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси эса 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилди. Шунинг ҳисобига бўшайдиган 104 миллиард сўмдан кўпроқ миқдордаги маблағ хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини оширишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Умуман олганда, Республика Президентининг мазкур Фармони қабул қилинишини 2010 йилгача аҳолига иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишдан иборат кенг миқёсли дастурнинг амалга оширила бошланиши, деб билиш керак.

# ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

электрон базаси яратилди. Мазкур электрон база ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 931 фармон ва қарори, 15 кодекс, 512 қонун, Олий Мажлис палаталарининг 552 қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 3261 қарори, 1691 идоравий-норматив ҳужжатни жамлаган. Миллий база Интернет тармоғи орқали тест режимида эълон қилинди. Бугунги кунда бу соҳада қатъий белгиланган ягона тизим яратилди.

Адлия органлари ва муассасаларига ўтган олти ой давомида жами 51026 хат ва ҳужжат, ариза ва шикоят келди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 мингтага кўпдир. Шундан 11459 таси бевосита фуқаролардан бўлиб, 11121 таси кўриб чиқилди.

Жорий йил биринчи ярмида давлат ва хусусий нотариуслар томонидан 1700 мингдан ортиқ нотариал ҳаракатлар амалга оширилди. Гувоҳлантирилган нотариал ҳаракатлар учун 15,3 миллиард сўмга яқин давлат божи ундирилди. ФҲДЁ органлари томонидан эса 502225 далолатнома ёзувлари қайд этилди.

Жойларда қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш ҳамда тадбиркорлар ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда асосий эътибор уларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимномалар киритиш йўли билан тўлиқ тиклаш, қонунбузилишда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш, ноқонуний қарорларни бекор қилишга қаратилмоқда. Ҳисобот даврида адлия органларининг ташаббуси билан судларга 30 миллиард сўмга яқин маблағни ундириш юзасидан 8 мингдан зиёд даъво аризаси киритилди.

Тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш мақсадида адлия идоралари томонидан 6 мингга яқин таъсир чоралари қўлланилди. Ушбу чоралар натижасида 3 мингдан ортиқ мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 232 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Давлат бошқарув идораларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг чекланишига олиб келган 561 та ноқонуний қарори бекор қилинди.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари давлатимиз томонидан амалга оширилаётган энг долзарб масалалардан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, адлия идоралари томонидан бу йўналишда ҳам муайян ишлар бажарилди. Хусусан, Суд департаментининг жорий йил ярим йилликдаги кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада ўсди. Суд ижрочиларининг иш юритишида ўтган давр мобайнида жами 1 триллион 538,3 миллиард сўмлик 930,4 минг ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, шундан 1 триллион 160,1 миллиард сўмлик 712,6 мингтасининг ижроси ниҳоясига етказилди.

Мажлисда суд қарорларини ижро этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда ҳам ижобий ўзгаришларга эришилганлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, ҳайъат йиғилишида адлия органлари ва муассасалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниши билан бир қаторда, соҳада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

(ЎзА).

# ИМКОНИЯТ КЕНГ, СИФАТ АЪЛО



*Зарбдор туманидаги "Зарбдор элеватори" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бу йил 481 фермер хўжалиги билан контрактация шартномаси тузганди. Шунга асосан, ғалла ўрим-йиғими мавсумида ер соҳиблари корхонага 23 минг 953 тонна дон етказиб беришди. Энди жамиятдагилар зиммасида ана шу донни қайта ишлаш ва аҳолига сифатли маҳсулот таклиф қилишдек масъулиятли вазифа турибди.*

*Яқинда жамият қошида ишга туширилган кичик ун заводи юқори унум билан фаолият кўрсатмоқда. 60 киши иш билан таъминланган мазкур заводда бир кеча-кундузда 50 тонна сифатли ун ишлаб чиқарилаётир. Бу ҳам "Зарбдор элеватори"нинг бугунги имкониятлари қай даражада эканини кўрсатиб берувчи бир мисолдир.*

**СУРАТДА:** (чапдан) фермер Ислом Умаров ва бош мутахассис Нурқосим Суюнов ҳамда Эгамберди Соатов маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқдалар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ижодкорлар билан учрашувлар

**● ЖИЗЗАХ. Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишлаб маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ҳамда ташкилотларда таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, театр ва санъат арбоблари билан учрашувлар ташкил этилмоқда.**

**Шундай тадбирлардан бири Ғаллаорол тумани Ҳангли қишлоғидаги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.**

**Пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ таниқли ижодкорлар коллеж ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Замонавий меъморий услубда қад ростлаган маҳобатли ўқув юртида ёшларнинг билим олиши ва касб ўрганиши учун яратилган қулайликлар, кўркам спорт зали ва майдончалари, бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.**

**Ижодкорлар талабалар ва қишлоқ аҳли билан мулоқотда мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган туб ислоҳотлар моҳияти инсон манфаатлари ҳимоясига қаратилганини, хусусан, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидладилар.**

**Давра суҳбати дилрабо куй-қўшиқларга уланиб кетди.**

**Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театридаги учрашув ҳам ана шундай самимий руҳда ўтди.**

## Хатирчида янги завод

● **НАВОИЙ.** Қизилтепа туманидаги "Зилола" корхонаси бунёдкорлари кўплаб улкан қурилишларни амалга ошириб келмоқда. Айни пайтга қадар улар томонидан 20 дан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва академик лицей, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди.

Ўтган йили корхона жамоаси Навбаҳор пахта тозалаш заводи биносини қисқа муддатда қуриб фойдаланишга топширган эди. Шунингдек, Қизилтепа пахта тозалаш заводи реконструкция қилиниб, чигитни туксизлантириш цехи ишга туширилганди.

— Ҳозир Хатирчи туманида ҳам пахта тозалаш заводини бунёд этяпмиз, — дейди корхона раҳбари Рустам Саломов. — Завод учун 15 гектар ер ажратилган. Ҳозиргача асосий бино, пахта қабул қилиш пункти, иккита тарозихона, пахта сақлаш майдончалари қурилиши ниҳоясига етди. Қурувчиларимиз сўнгги пардозлаш ишларини амалга оширмоқда. Янги завод бир йилда туманда етиштирилган 45 минг тонна пахта ҳосилини қабул қилади, 450 нафар киши янги иш ўринларига эга бўлади.

## Эътибор ва ғамхўрлик ифодаси

● СУРХОНДАРЁ. **Вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйида бўлиб, тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар.**

**"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбир доирасида мазкур муассасада таълим-тарбия олаётган болажонларга кийим-кечак ва спорт анжомлари ҳадя қилинди.**

**Тарбияланувчилар билан учрашувда 9-синфни муваффақиятли тамомлаган 28 нафар йигит-қиз вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттириш ниятида эканини билдирди. Улардан 10 нафарига тиббиёт, 9 нафарига иқтисод, 7 нафарига педагогика ва бошқа йўналишларда ўқиш учун йўлланма берилди.**

**— Коллежларда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун барча шароит яратилади, — дейди "Меҳр-мурувват" фондининг вилоят филиали раҳбари Олтибой Чориев. — Улар ётоқхона билан таъминланиб, фонд томонидан тўлиқ ижтимоий ҳимояга олинади.**

## Нигора — танлов ғолиби

● **БУХОРО.** Вилоят ижтимоий таъминот тизимида юздан зиёд ходим меҳнат қилади. Ўзгалар эътибори ва қаровига муҳтож инсонларга ижтимоий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш тизим вакилларидан алоҳида масъулият билан бирга, касб маҳорати, муомала маданияти ва билим даражасини муттасил ошириб боришни талаб этади.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Энг яхши ижтимоий соҳа ходими" танлови айни шу мақсадда ташкил этилди.

Танловда шаҳар ва туманлардан келган соҳа ходимларининг касб амалиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий билими ва дунёқараши синовдан ўтказилди. Барча шартлар бўйича пешқадамлик қилган Вобкент тумани вакили Нигора Қуллиева ғолибликни қўлга киритди.

## Ражаббой фермер ташаббуси

● ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. **Хонободлик фермер ва тадбиркор Ражаббой Болтаев ҳамқишлоқлари мушкулини осонлаштиришга бел боғлади. У ўз ҳисобидан аҳолига изчил хизмат кўрсатувчи махсус мажмуа қурди. Бу иншоот деҳқончилик маҳсулотлари уруғи, улар учун зарур микро ва макро элементлар, шунингдек, омихта ем сотувчи, ветеринария хизмати кўрсатувчи дўконлардан, чорва молларини сунъий қочириш шохобчасидан иборат бўлиб, барча қулайликларга эга.**

**Фермернинг ҳиммати туфайли хонободликлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ҳар қачонгидан ошириш, чорва наслини янада яхшилаш имкониятига эга бўлдилар.**



**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**




# ОРОЛБЎЙИ КЕНГЛИКЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Меҳр нури ёғилади Мўйноққа

Мўйноқ — Орол денгизи таназзулидан энг кўп азият чеккан туман. Барча қийинчилигу машаққатларни енгиб, ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган ушбу туманда қад ростлаган замонавий мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, шифо масканларини кўриб, қисқа вақт оралиғида мақтаса арзигулик муваффақиятга эришилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бундан ташқари, Учсой, Қозоқдарё, Шигега, Тикўзагу Шағирлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Судочье кўлининг тикланиши сабаб, туманда балиқчилик соҳаси изига тушиб бормоқда. Жилтирбос, Зокиркўлда эса аҳоли учун янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларнинг турмуш фаровонлиги таъминланмоқда.

— Халқимиз руҳида бир янгиланиш бор, — дейди Мўйноқ тумани ҳокими, Жўқорғи Кенгес депутати Жорлиқоп Турсинбеков. — Бунга Президентимиз Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларида илк ташрифни Қорақалпоғистондан, хусусан, Мўйноқдан бошлаганликлари сабаб бўлса, ажаб эмас. Боиси, Юртбошимизнинг меҳнаткаш халқ турмуш шароити, яшаш тарзи билан қизиқишлари улар ғайратига ғайрат, кучига куч қўшади.

Дарҳақиқат, яратилган имкон ва шароитдан оқилона фойдаланган мўйноқликлар қисқа вақт оралиғида мақтаса арзигулик натижаларга эришдилар. Ернинг ўз эгалари — фермерларга тендер асосида бўлиб берилиши натижасида туманда 85 та фермер хўжалиги ташкил этилиб, якка тартибдаги тадбиркорлар сони 146 нафарга етди.

Сўнгги уч йил ичида туманда кўплаб спорт иншоотлари қад ростлади. Айниқса, болалар спортига берилаётган эътибор сабаб юрт шаъни ва шавкатини дунёга танитувчи паҳлавонлар етишиб чиқди. Учсой, Тикўзакда яқиндагина қад ростлаган спорт мажмуалари эса бугун юзлаб ёшларни ўз бағрига оладиган бўлди. Шуни мамнуният ила айтиш мумкинки, спорт соҳасида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган Алишер Авазбоев, Бауржон Каздаев, Фозилбек Ўрозимбетов, Эркин Қутибоев, пойтахтимизда ўтказилган "Универсиада — 2007" спорт мусобақалари совриндори, волейболчи Мақсуда Йўлдошева сингари ўнлаб ёшларимиз ана шу муқаддас замин фарзандларидир.



## Зафарларга элтувчи йўллар

Йўллар юртларни юртларга, элларни элларга боғловчи кўприкдир. Шу боис ҳам эл-юрт равнақини ўйлаган инсонлар савобли ишга қўл уриб, кўприк қурганлар. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда бу борада изчил ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Йўл қурилишлари учун жуда катта маблағ ажратилди. Хусусан, қорақалпоқ диёрини қўшни вилоят ҳамда мамлакатлар билан боғловчи бир неча магистраль ва темир йўллари барпо этилди. "Қўнғирот — Бейнов" қитъалараро автомобиль йўли жадал суръатлар билан бунёд этилаётган бўлса, ўтган асрнинг охири ва асримизнинг энг катта қурилишларидан бири бўлган "Учқудуқ — Мискин — Султонувайстоғ — Нукус" темир йўл, Амударё устига қурилган "Мискин-Тошсоқа" темирйўл ва автомобиль кўприги нафақат халқимизнинг узоғини яқин қилаяпти, балки миллионлаб ортиқча сарф-харажатнинг олди олинаяпти. Қолаверса, ушбу ҳудудларда аҳоли яшайдиган даҳалар бунёд этилмоқда. Ўз навбатида, бу йўллар қорақалпоқ, умуман, Оролбўйи халқларининг турмуш фаровонлиги ошиши учун хизмат қиляпти.

Бу ерда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Айниқса, "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон бўлими томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар сабаб тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кескин ошди. Айниқса, бу борада тадбиркор аёлларнинг ўрни беқиёсдир. Ўтган йили хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий тадбиркорларга 1,5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредит ажратилган бўлса, шундан 300 миллион сўми аёл тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади.

— Изланиш ва ҳаракат ҳамиша ўз самарасини берган, — дейди нукуслик тадбиркор, "Мованас" хусусий фирмаси раҳбари Елена Галимова. — Бугун биз ким учун, нима учун ишлаётганимизни биламиз. Бизнинг ташаббусларимизга қанот бахш этаётган, барча тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, "юрт таянчлари" деб атаётган Президентимиздан миннатдормиз.У кишининг ишончи ва мадади бизни эртанги кунимизнинг бугундан-да фаровон бўлиши учун ҳисса қўшишга ундайди.

Қорақалпоқ заминида беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари мавжудки, у мамлакат тараққиётига, фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Уст-Юрт бағридаги Кийиксой мавзесида қад ростлаган, Қорақалпоғистон кимё саноатининг қалдирғочи ҳисобланмиш Қўнғирот сода заводи ҳам асримизнинг энг катта иншоотларидан. Бугун ушбу мавзени ҳеч ким Кийиксой деб атамайди. У кимёгарлар шаҳри — Элобод номи билан мамлакатимиз харитасидан жой олди.

Маълумки, сода саноати жаҳон кимё индустриясининг ноёб тармоғи саналади. Не-не мамлакатлар бу соҳани йўлга қўйиш хусусида фақат орзу қилишлари мумкин, холос. Заводга турдош корхона Ҳамдўстлик давлатларидан фақат Россия ва Украинадагина бор. Уст-Юрт гиганти ҳисобланган бундай завод Марказий Осиёда ягонадир. Бундан бир неча йил муқаддам тамал тоши қўйилган мазкур корхона бугунги кунда мамлакат эҳтиёжлари, хусусан, экспорт учун металлургия ва шиша саноатининг "нони" ҳисобланган кальцийли сода ишлаб чиқармоқда. Ўтган йили 12800 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Уст-Юрт гиганти сотган маҳсулот 10 миллиард сўмликни ташкил этди. Айни пайтда, қўнғиротлик кимёгарлар "Кварц", "Ғазалкент-ойна" каби йирик корхоналардан ташқари хорижга ҳам маҳсулот экспорт қила бошлади. Эътироф этиш керакки, ўтган ойда мамлакатимиз раҳбарининг Элободга ташрифи наинки Қўнғирот, балки бутун Қорақалпоғистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган воқеа бўлди.

— Мамлакатимиз раҳбари бу ерда меҳнат фаолиятини бошлаган ёшлар, уларнинг келажаги ҳақида гапирдилар, — дейди корхона бош муҳандиси Абат Рамбергенов. — Юрт эртаси ёшлар қўлида эканлиги ва улар фаолиятига жиддий эътибор бериш, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун имконият яратиб бериш зарурлигини алоҳида уқтирдилар. Айни пайтда Уст-Юртда бунёд этилаётган газкимё мажмуасида ишлаш учун танланган 60 нафар қорақалпоқ ёшлари Қашқадарёга — "Шўртангаз" мажмуасида соҳа сирларини ўрганиш учун жўнаб кетдилар. Улар икки йил давомида соҳа сирларини кунт билан эгаллайдилар ва Қорақалпоғистоннинг гинант корхонасида ўз билим ва тажрибаларини ишга солган ҳолда фаолиятларини давом эттирадилар.

Қорақалпоқ замини баракали замин. Айниқса, Борсакелмас, Қораумбет ва Уст-Юрт кенгликларида ястаниб ётган кўплаб ер ости бойликлари, Султон Увайс тизмаси бағридаги конлар эртага мамлакат равнақи учун хизмат қилиши шубҳасиз. Биргина Тебинбулоқ темир конининг ўзи таркиби жиҳатидан Уралдаги жаҳонга машҳур Качканар конидан титан оксиди бўйича бир ярим баравар юқори туради. Мармар, оҳактош, гранит, сингари бир қатор қимматбаҳо маъданлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Тизма оҳактоши айни кунда Қўнғирот сода заводининг зарур хомашёсидан бири сифатида мамлакатнинг стратегик манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу ерда металлургиядан ташқари цемент, шиша, безак тошлар саноатини кенг миқёсда ривожлантириш имкониятлари мавжуд. Келажакда мазкур ҳудудда металлургия саноатига ҳам асос солинса, ажаб эмас. Айниқса, Султон Увайс тизмасининг Аччиқтоғ, Шайхжалил, Қуёнчиқ, Жумуртов, Қақрали каби мавзелари геологлар учун ҳали очилмаган "қўриқ" ҳисобланади. Бу ердаги "Қораўзак" темирйўл шоҳбекати мамлакат маркази билан ҳам, Осиё ва Европа пўлат излари билан ҳам боғланган.

## Катта тўй тараддуди

Бугун Қорақалпоғистон пойтахти — "Дўстлик" орденли Нукус шаҳри кун сайин ёшариб бормоқда. Оролбўйи диёрининг қай бир гўшасига борманг, катта тўй тадоригига гувоҳ бўласиз. Шаҳардаги маданият масканларида мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари, таниқли кишилар, эл севган санъаткорлар билан учрашув ва кечалар бўлиб ўтмоқда. Тадбирларда Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистондаги буюк ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар ҳақида сўз борди. Иштирокчилар "Айқулаш жулдизлари", "Аму тўлқини", "Жигитлер" сингари миллий-фольклор дасталарининг бетакрор куй-қўшиқ ва рақсларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Инсон ўз меҳнати, улуғ ишлари билан ҳаётни безайди. Бугун Оролбўйи минтақасида эзгу ишлари билан ибрат бўлаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Онесия Саитова, Тўлепберган Қаипбергенов, Иброим Юсупов, замонамиз қаҳрамонлари Аъзо Ёқубов, Бахибек Яхибеков, Сарсенбой Саитназаров, Агитбой Адиловлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бир пайтлар Беруний ва Бердақ, Андалиб ва Ажиниёз юрган йўллар, улар яшаган гўша бугун янада файзиёб. Кунлари эзгуликларга эш, тунлари фараҳбахш ва осуда. Поёнсиз кенгликлар бағрида туғилиб, меҳнатда суяги қотган одамларнинг қалби мудом яхшилик истайди. Уларнинг бирдан бир нияти — шу юрт, шу макон гуллаб-яшнасин, бугунги хотиржамлик ва фаровонлик бардавом бўлсин! Қалб дарёси ўзи туғилиб ўсган макондайин кенг ва пок инсонлар — ўз ташвишларидан ортиб, эл-юрт оғирини енгил қилаётган фермеру тадбиркорлар кўпаяверсин! Кучга тўлган марду майдон ёшларга ҳаргиз кўз тегмасин, жаҳон аҳли уларга ҳавас-ла боқиб, эришган ғалабалари шарафига тасанно лар айтаверсин!

Бугун қорақалпоғистонликлар энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ана шундай эзгу тилаклар ила қарши олишмоқда.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**

***2004 йил 30 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент Ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида»ги 150-сонли қарори қабул қилинди. Ўша йилнинг 3 сентябрида эса «Республика қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» деб аталган 415-сонли иккинчи қарор ҳам дунёга келди.***

***Ушбу ҳужжатларнинг биринчиси тўла-тўкис ҳозирги Тошкент Ирригация ва мелиорация институтига тегишли. Иккинчисида эса мазкур институт қишлоқ ва сув хўжалиги учун мутахассис кадрлар етиштирувчи бошқа олий таълим муассасалари қаторида тилга олиниб, институтда бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш масаласи қўйилган.***

***Юқоридаги қарорлардан кейин орадан 3 йил вақт ўтди. Шу давр ичида ҳар икки ҳужжатда белгиланган вазифалар қай даражада ижро этилди? Умуман олганда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида республика олий таълим тизимида бошланган ислоҳотлар қандай самаралар беряпти? Ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида биз Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида бўлдик.***



# КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...

**Қарор ва ижро**



## Ихтисослашув самараси

Мазкур олий ўқув юрти 2004 йилнинг март ойигача ТИИМСХ деб аталар эди. ТИИМСХ «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти»нинг русча қисқартирилган атамасидир. Бугун эса бу олий ўқув юрти Тошкент Ирригация ва мелиорация институти — «ТИМИ» деб янги, аниқлаштирилган ном олди.

Институт номидаги бундай ўзгариш унинг ҳаётида юз берган жиддий янгиланишларни акс эттиради.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги икки қарорида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқилган ҳолда белгиланган энг асосий вазифалардан бири, бу — қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртларининг **аниқ ихтисослашуви** масаласидир. Масаланинг бундай қўйилиши бежиз эмас. Ана шу икки қарорнинг бажарилиши юзасидан тузилган Махсус Комиссия қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртлари фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқди ва шу пайтгача соҳа олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашда бир-бирларининг вазифаларини такрорлаш ҳолатлари юз бериб келаётганлигини аниқлади. Замон, янги шароит кадрлар тайёрлашда таълим муассасаларининг ихтисослашувини, яъни, уларнинг ҳаётда аниқ ўз ўрни ҳамда вазифаларини топишини тақозо этмоқда эди.

Юқоридаги ҳукумат қарорларига биноан, собиқ ТИИМСХга қарашли бўлган қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва умуман, бевосита деҳқончилик муаммолари билан шуғулланадиган факультетлар ҳамда кафедралар бутун профессор-ўқитувчилар таркиби, талабалар контингенти ва моддий-техника базаси билан республикамиздаги бошқа қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларига (масалан, Тошкент давлат аграр университетига) ўтказилди. ТИМИ эса, бундан кейин ва ҳамиша, аниқ бир йўналишда — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тасарруфидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланишни илмий асосда ташкил этиш, ирригация ва гидротехника иншоотларининг қурилиши ҳамда улардан фойдаланиш, атроф-муҳит тозалигини ҳимоя қилиш соҳаларида ишлайдиган юқори малакали мутахассис кадрларни тарбиялаб етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

## Мақсад аниқ, гап амалий ишда

Институт раҳбарияти ва педагогик жамоаси томонидан ҳукуматимизнинг юқорида таъкидлаб ўтилган қарорларида қўйилган вазифаларни босқичма-босқич, сифатли бажариш мақсадида, 2004-2009 йиллар учун махсус дастур ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Ушбу дастурда белгиланганидек, ирригация, мелиорация соҳалари ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси йўналишларида ишлайдиган замонавий билим-малакали, етук кадрларни етиштириш ўқув даргоҳи олдида турган бош вазифадир.



Аввало, институтда бу борадаги иш худди шу мақсадларга йўналтирилган факультетлар ва кафедраларни шакллантиришдан бошланди. Бундай факультетлар бугун бешта: Гидромелиорация; Ирригация, гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш; Сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш; Ердан фойдаланиш ва ер кадастри; Сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти факультетлари. Факультетлар қошида айнан шу соҳаларда кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-амалий фаолият олиб бориш билан шуғулланадиган 29 та кафедра вужудга келди.

Институтда ҳозирги кунда 19 та бакалавр ва 23 та магистрлик мутахассисликлари бўйича ўқув-амалиёт ишлари йўлга қўйилган. Ушбу таълим йўналишларидан 8 таси, замон талабига кўра, янгитдан шакллантирилган.

Тайёрланаётган кадрларнинг салмоқли қисми, яъни деярли 60 фоизи ирригаторлик ва мелиораторлик йўналишларида таълим олаётган талабалардир. Қишлоқ ва сув хўжалигида ерлардан унумли фойдаланиш, кадастр, бизнес ва иқтисодиёт йўналишларига ҳам мойиллик кучли: улар умумий талабалар миқдорининг 31 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, соҳа таълими учун педагоглар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Чунки республикамизда ТИМИга турдош йўналишларда ўрта-махсус малакали кадрлар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежлари ҳам талайгина. Бунинг устига, умумтаълим мактабларида ер, сув, табиат, экология, атроф-муҳит муҳофазасига доир фанлар ўқитилади. Мазкур фанлардан сабоқ берадиган ўқитувчилар тайёрлашга жамоа ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Институтда сўнгги йилларда ишчан ва талабчан муҳит вужудга келди. Бундай сифат ўзгаришларига эса муайян жараёнлардан ўтиб эришилди. Бунда, айниқса, ҳукуматимизнинг юқорида эсланган 415-сонли қарорига биноан, институтда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларининг раҳбар ва ходимлари иштирокида тузилган Аттестация комиссияси фаолияти муҳим аҳамият касб этди.

2006 йилнинг 15 ноябрида кафедраларнинг жами 60 та бўш ўринларига танлов эълон қилинди. Танловда 97 та номзод қатнашди. Даъвогарларга ўз билим-малакалари ва педагогик салоҳиятларини ошкора намоён эта олишлари учун қулай шароит яратилди. Масалан, улар учун синов маърузаси ва очиқ-ошкора машғулотлар ташкил этилди. Бу синов тадбирларида юқори ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, турдош олий таълим ва илмий-тадқиқот институтларидан вакиллар — ташқи эксперт сифатида, ТИМИ ректорати ва деканатларининг ходимлари — ички тақризчилар сифатида қатнашишди. Хуллас, бундай танлов яхши самара берди. Бугун институт ишчан, изланувчан, ўз касбига фидойи ва меҳр қўйган, таълим ва илмий тадқиқотларда ташаббускор профессор-ўқитувчилар жамоасига эга бўлди.

Институтда профессор-ўқитувчиларнинг ташаббускорлигини кўрсатаётган далиллар кўп. Биттаси шуки, улар соҳа таълими учун миллий тилда энг замонавий тафаккур, билим-малакага асосланган дарсликлар яратмоқдалар. Бугун таълим масканида бакалавр йўналишлари фанларининг янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиши — 93 фоизни, магистратура мутахассисликлари бўйича таъминланиш — 91 фоизни ташкил этади. Педагог-олимлар янги дарсликлар устида қизғин ишламоқдалар. Барча фанлар бўйича ўқув адабиётларини яратиш ва тўлиқ таъминлаш ишлари жорий йил охирида ўз якунига етади. Институт профессор-ўқитувчилари турдош йўналишлардаги касб-ҳунар коллежлари учун дарсликлар тайёрлаш устида ҳам фаол ишламоқдалар.

Ўқув даргоҳида 2004-2006 йиллар ичида ҳар бир бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари учун янги Давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалари тўлиқ яратилди ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланди. Шу ўринда яна бир изоҳ: маълумки, ҳозирги кунда мамлакат қишлоқ хўжалигида барча ишлар бозор иқтисодиёти талаблари асосида юритилмоқда. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янги шакли — фермерлик ҳаракати ривожланиб боряпти. Институтда таълимни ташкил этишда тараққиётнинг мана шу икки тамойили қатъий ҳисобга олинган. Аввало, талабалар онгида бозор иқтисодиёти тафаккурини ривожлантириш ҳар тарафлама йўлга қўйилди. Бу борада институтда турли давлатларнинг тажрибалари кенг қиёсий-таҳлилий асосда ўргатилмоқда. Шунингдек, қишлоқ ва сув хўжалигида ишни фермерлик йўсинида уюштириш тўғрисидаги таълимни фаоллаштиришга ҳам катта эътибор берилаётир.

Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини чуқурлаштириш — муҳим масала. Шу мақсадда институтда талабалар учун мунтазам равишда қўшимча машғулотлар ўтказилмоқда. Дарсларда ўтилаётган маърузалар матнларининг электрон кўринишлари банки яратилганлиги — яна бир қулайлик. Талаба хоҳлаган пайтида компьютер ёнига ўтириб, зарур маъруза матнини топиб, билимини чуқурлаштирса бўлади. Ҳатто, ётоқхоналарда компьютер синфлари ва кутубхоналар мавжуд. Таътил даврларида ҳам ўқитувчиларнинг навбатчилиги ташкил этилмоқда. Талаба бўш вақтида бемалол келиб, ўқитувчидан зарур билим ва йўриқлар олади.

Таълим амалиётида яна бир ўзига хос янгилик қарор топди. Бу ерда «Очиқ маърузалар» деб аталган маърифий малакани кучайтириш соатлари мунтазам йўлга қўйилган. Бу ҳақда институт ректори Толибжон Худойбердиев шундай деди:

— «Очиқ маърузалар» пайтида нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам фан-техника ва технологиялар соҳалари бўйича жаҳонда эришилган энг сўнгги ютуқлар, янгиликлардан хабардор бўладилар. Очиқ маърузаларнинг мавзулари ва ўтказилиш муддати ҳар бир ўқув семестри бошланишидан олдин республика газеталари орқали эълон қилиб борилади. Очиқ маърузаларни бошқа олий ўқув юртларидаги мутахассислар ҳам келиб тингламоқдалар.

2004-2006 йилларда биз тилга олаётган даргоҳ талабалари республикамизнинг турли масканларида 29 та йўналиш бўйича 31 марта ўқув амалиёти, 27 марта малакавий ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказдилар. Уларнинг орасида Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқармалари, Давлат Солиқ қўмитаси, сув хўжалиги трестлари, корпорациялар, корхоналар, каналлар, лойиҳалаш, кадастрлаш, қурилиш ташкилотлари, илмий-тадқиқот институтлари, табиатни муҳофаза қилиш ва «Ергеодезкадастр» қўмиталари бор.

Вазирлар Маҳкамасининг 415-сонли қарорида қишлоқ ва сув хўжалиги олий таълим муассасаларига тажриба-ишлаб чиқариш синовлари ўтказиш мақсадида 300 гектаргача экин майдони бириктирилиши тўғрисида вазифа қўйилган. Қарорнинг худди шу бандига биноан, давлатимиз томонидан ТИМИ учун Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудидан суғориладиган деҳқончилик майдони ажратилди. Бу майдон катта наф бермоқда. Яъни, бу ерда қизғин амалий ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари, институт олимлари ўз илмий тадқиқотлари натижаларини синовдан ўтказмоқдалар.

Институтда иқтидорли талабаларга соҳа илмий салоҳиятининг келажаги сифатида қаралиб, улар билан алоҳида дастур асосида иш олиб бориляпти. Бунинг натижасида иқтидорли ёшлар орасидан Президент стипендиати ва нуфузли танловлар ғолиблари етишиб чиқмоқда. Маълумки, жорий йилда мамлакатимизда биринчи марта иқтидорли талабалар ҳамда аспирант ва ёш тадқиқотчиларнинг Республика илмий-амалий анжумани ва илмий ишлари танлови уюштирилди. Бу анжуман ва танловда ТИМИ талабалари бира тўласига 2 та биринчи ва 1 та учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Бу борада яна бир ютуқни алоҳида айтиб ўтиш ўринли бўлади. 2007 йилда институт талабалари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги республика олий ўқув юртлари ўртасида барча номинациялар (бакалавриат, магистратура, аспирантура босқичлари) бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиатлари бўлдилар. Умуман айтганда, 2004-2006 йилларда институт аспирантларидан 7 нафари Президент стипендиатлари мақомига эришди. 222 нафар магистрантдан 2 нафари халқаро грант асосида Швеция давлат университетида, Германиянинг Бонн университетида ўқимоқдалар. 14 нафари халқаро «ZEF» лойиҳаси доирасида Голландиянинг Вагенинген ҳамда Германиянинг Вайенштефан университетлари билан шартнома асосида магистратура таълимини олмоқдалар.

Маълумки, сўнгги йилларда олий ўқув юртларидаги сиртқи таълим ўқув-малаканинг самарасиз бир шакли сифатида аста-секин тугатилмоқда. ТИМИда ҳам сиртқи таълимдан воз кечилиб, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга катта эътибор беріляпти. Шу мақсадда алоҳида Марказ ташкил этилиб, у «Тайёрлов ва қайта тайёрлов» йўналишида фаолият олиб боряпти. Янада аниқроқ қилиб айтсак, мазкур бўлимда «Сув хўжалиги иқтисоди», «Сув хўжалигида менежмент», «Сув хўжалиги ва мелиорация», «Сув хўжалигида мелиорация ишларини механизациялаштириш», «Электроэнергетика», «Ер тузиш ва ер кадастри», «Фермер хўжаликларини ташкил этиш ва унга техник хизмат», «Экология ва табиатдан фойдаланиш», «Атроф-муҳит муҳофазаси» каби 10 йўналишда мутахассислар малакасини ошириш йўлга қўйилган.

## Ҳамкорлик қирралари

**Ривожланган хорижий мамлакатларнинг илмий ва олий таълим муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик институт ривожида сезиларли ўрин тутади.** Жумладан, 2004-2007 йиллар мобайнида хорижий давлатлардаги илмий ташкилотлар, корхоналар, олий ўқув юртлари билан 13 та ҳамкорлик шартномалари асосида фаол алоқалар йўлга қўйилди. Жамоа Германиянинг Гамбург, Бонн, Оснабрюк, Вайенштефан, Франциянинг Бордо, Австриянинг Вена, Голландиянинг Вагенинген, Бельгиянинг Лиеж университетлари, Европанинг ИНТАС, ИНКО, ТЕМПУС дастурлари билан ҳамкордир.



Бундай ҳамкорлик таълим сифатини замон талаблари даражасига кўтаришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Голландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда қўшма ЭкоГИС маркази очилди. Ушбу ўқув марказида 2004 йилда «Атроф-муҳит муҳофазаси (геоинформацион тизимлар)» мутахассислиги бўйича магистратура ўз ишини бошлади. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу магистратурага 19 нафар талаба қабул қилинди. Улардан энг юқори таълим кўрсаткичларига эришган 5 нафар магистрант Вагенинген университетига бориб, қўшимча таълим олдилар. Ҳозирги кунда Вагенинген университети талабларига жавоб берган магистрантларга институт дипломи билан бир қаторда, Вагенинген университети дипломи ҳам берилиши кутилмоқда. Бундай дипломнинг афзаллиги шундаки, унинг эгаси ўз мутахассислиги бўйича дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам ишлаши мумкин.

Институтда 2005 йилда амалиётга жорий этилган Голландия, Австрия, Польша давлатларининг тегишли олий таълим муассасалари билан ТЕМПУС ТЕАМ дастури доирасида тузилган «Атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш ва мониторинг соҳасида малака ошириш» деб аталган лойиҳа ҳам диққатга сазовордир. Ана шу лойиҳа асосида 24 та семинар ташкил этилди. Улардан мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги маҳаллий ва давлат бошқарув идоралари ходимлари ҳамда соҳа профессор-ўқитувчиларидан 600 киши қатнашди. Тингловчилар атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш ва мониторинг ўтказиш бўйича ҳозирги дунёда мавжуд тажрибалар ва янги маълумотларни ўзлаштирдилар.

2006 йилда институтда яна битта магистратура йўналиши очилди. «Бизнесни бошқариш (қишлоқ ва сув хўжалигида)» деган бу йўналишдаги магистратурага ТИМИ ҳамда Германиянинг Вайенштефан университети ўзаро ҳамкорликда асос солдилар. Ушбу магистратура шу йилнинг 6 февралида иш бошлади. Унда қишлоқ ва сув хўжалигида бизнесни бошқариш бўйича халқаро билим-малака ва тажрибаларни эгаллаган етук мутахассислар тайёрланади.

Институтнинг халқаро миқёсдаги нуфузи кейинги йилларда анча ўсди. Ўтган уч йил мобайнида 114 нафар профессор-ўқитувчилар ва талабалар хорижий конгрессларга, илмий-амалий конференцияларга, семинарларга таклиф этилди.

## Олимлар изланишда

Республика Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эсланган қарорларида институт профессор-ўқитувчилари мамлакатда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари тараққиётининг долзарб масалаларига бағишланган самарали илмий-тадқиқотлар олиб боришга даъват этилган.

2004-2006 йилларда бу ерда ҳимоя қилинган докторлик ишларидан 8 таси ва номзодлик ишларининг 25 таси ҳозирги кунда қишлоқ ва сув хўжалигида амалиётга татбиқ этилди. Уларнинг айримлари билан қисқача танишайлик.

«Ўсимликларга электр импульсли ишлов бериш усули» Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Бухоро вилоятидаги «Гулистон» фермер хўжалиги уюшмаларида ва Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Лимончилик» фермер хўжалигида синовдан муваффақиятли ўтказилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинмоқда. Бу янги усулга кўра, электроимпульс ток зарядлари бодринг ва помидор илдиз пояларидаги нематода касаллиги гижжаларини биринчи ишлов беришда 60 фоизгача бартараф этади. Шунингдек, ток зарядлари тупроқ таркибидаги ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларнинг илдизи чиришини тезлаштиради, тупроқни фойдали микроэлементлар ва аминокислоталар билан бойитади. Бунинг натижасида ўсимликларнинг озиқланиш жараёни яхшиланади, атроф-муҳитга экологик зиён етказилмайди.

Институтда «Автотрактор моторлари мойларининг ишчи хусусиятларини тиклаш» бўйича ҳам тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсияларга кўра, қайта ишланган мойларнинг ишчи хусусиятлари 85-90 фоизга қадар тикланади. Иқтисодий тежамкорликка хизмат қилувчи бу ихтиродан ҳозирги кунда «Ўзавтотеххизмат АООТ» корхоналарида фойдаланилмоқда.

Шунингдек, ўқув даргоҳида Сирдарё вилоятидаги ерларнинг самарадорлигини ошириш учун қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими ишлаб чиқилди. Натижада, ерларнинг мелиоратив ва ҳудуднинг экологик ҳолатини яхшилашга эришилиб, сувдан ҳам тежамли фойдаланилмоқда. Бу таклиф асосида ҳар гектар ердан 155 минг сўм соф қўшимча даромад олиняпти.

Институт олимлари томонидан 2004-2007 йиллар мобайнида 70 миллион сўмлик 20 га яқин хўжалик шартномалари, 65 миллион сўмлик 11 та давлат гранти, 150 минг АҚШ доллари ҳажмидаги 12 та халқаро грантлар, 81 та давлат бюджети манбаидаги ташаббускор мавзулар асосида муваффақиятли илмий-амалий тадқиқотлар бажарилди. Ихтиролар учун 4 та патент олинди. Яна бир қанча навбатдаги ихтиролар патентга тавсия этилган. Илмий грантлар ва хўжалик шартномалари асосидаги амалий тадқиқотларни бажаришда институтнинг 150 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилари, аспирантлари, докторантлари, магистрантлари ҳамда 100 га яқин иқтидорли талабалар иштирок этдилар. Илмий фаолиятни ривожлантириш асосида институтда ишлаб топилган нобюджет маблағлар ҳажми йилига ҳар бир профессор-ўқитувчи ҳисобига ўртача 300 минг сўм ва 150 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

## Келажакка қадам

— Президентимиз ташаббусига биноан бундан ўн йил олдин ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимиз таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Толибжон Худойбердиев. — Бу ислоҳотлар бугунга келиб ўз самараларини бера бошлади. Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида бошланган янгиланишлар ва унинг натижалари мана шу улуғ ислоҳотнинг таркибий бир қисмидир.

Ўзбекистонда маҳсулотларнинг 95 фоиздан кўпроғи суғориладиган ерлардан олинади. Юртимиз иқтисодиётида аграр соҳа ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Табиийки, бундай давлатга ер ва сув билан ишлашнинг заргарона мутахассислари керак. Бунинг устига, экологияни, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириб бориш — доимо долзарб масала. Бу масалани билимли, малакали мутахассислар кўмагидагина ҳал этиш мумкин.

Илмий ва амалий ҳамкорларимиздан бўлмиш голландларда бир ҳикматли ибора бор. Улар: «Борлиқни Аллоҳ, Голландияни голландлар яратган», дейишади. Бунинг маъноси жудаям кенг. Маълумки, мамлакатда сувнинг кўплиги ҳам муаммо келтириб чиқаради ва, аксинча, сув танқислиги ҳам. Ҳар икки ҳолатда ҳам, уларга боғлиқ равишда, ер ва унинг самарадорлиги учун кураш масаласи пайдо бўлади. Голландияда сув кўп. Ердан ҳосил олиш учун унинг бағридаги сизот сувларни қочириш, ерни захкашликдан халос этиш керак. Голландияликлар бу борада катта ирригация ва мелиорация ишларини амалга оширишган. Тажрибалари ибратли. Ерлари унумдор. Хуллас, голландлар ер ва сув билан боғлиқ муаммоларни оқилона илмий ҳал этаётганликлари учун ҳам «Голландияни халқ яратган», дейишади. Биз ҳам ўз халқимиз тўғрисида фахрланиб шундай десак бўлади. Тўғри, бизда ўзгача шароит. Яъни, Ўзбекистонда сув тақчиллиги маълум даражада мавжуд. Демак, ҳар томчи сувимиз ҳисобда бўлиши керак.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги учун бериладиган сувдан фойдаланиш қуйидагича: республика бўйича 1 центнер пахта ҳосилини етиштириш учун сарфланадиган сув 495 $м^3$ни, 1 центнер ғалла ҳосили етиштириш учун эса 284$м^3$ни ташкил этяпти. Вазифа — сувдан фойдаланишда тежамкорликнинг янги-янги усулларини излашдир. Агар бундай вазият ҳисобга олинса, бизнинг институтимиз тайёрлаётган мутахассис кадрларнинг ҳаётдаги ўрни ва қиймати янада ортади.

Замон ўзгаряпти. Ширкат хўжаликлари ўрнида минглаб фермер хўжаликлари вужудга келди. Бундай вазиятда хўжаликларнинг ички суғориш тизимида сув истеъмолчиларининг сони кўпаяди. Демак, уларга сувни етказиб бериш ва ҳисоб-китобини олиб боришга талаб янада кучаяди. Кадрларимиз ўз малакаси билан ана шундай вазиятларда ҳаётга жуда асқотиши мумкин.

Масалан, фермерлик ривожланаётган шароитда янги инфратузилма — Сувдан фойдаланувчиларнинг уюшмалари (СФУлар) пайдо бўляпти. Бу — давр талаби. Бугунги кунда республикада 1407 та СФУ вужудга келди, улар 144 мингдан ортиқ фермер хўжаликларни аъзо сифатида ўз сафига олган. СФУлар 3 миллион 269 минг гектар майдонда ирригация ва мелиорация хизматини кўрсатмоқда. СФУлар — каналлар, сув ўзанлари атрофидаги сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш-иродаси билан туғилмоқда ва улар нодавлат-нотижорат ташкилотлардир. Бундай уюшмаларнинг хосияти катта ва уларни, албатта, малакали мутахассис кадрлар бошқариши керак.

**Хуллас, йирик мамлакат бўлган Ўзбекистонга фидойи, ишнинг кўзини биладиган, юқори замонавий билим-малакали ирригатор ва мелиоратор кадрларни етиштириб бериш — педагоглар жамоасининг бундан кейин ҳам шарафли бурчи ва иши бўлиб қолади.**

**Михли САФАРОВ.**

Фахр



# Бу ЁРУҒ ОЛАМДА ВАТАН БИТТАДИР...

Қайси юртда дунёга келишимизни Яратган биздан сўрамайди. Фақат шунинг ўзинигина ҳисобга олганда ҳам, Ватан ҳақида оғиз кўпиртириб гапириш яхши эмас. Бу мавзуда, ҳатто, биргина баландпарвоз сўз қўллаш ҳам носамимийликка сабаб бўлади. “Ватанни севиш керак”, “Ватан учун жон берса – арзийди”, “Ватанпарвар бўлайлик”, “Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялайлик” дегандек гаплар шиорларгагина ярашади. Она юрт ҳақида “Ватан” сўзини қўлламай ҳам гапираверишмумкин.

Лекин икки жилдли “Ўзбек халқ мақоллари” тўпламида “Ватан” сўзи билан 16, “юрт” сўзи билан эса нақд 22 мақол бошланади. Ҳар бирининг оламча маъно-мазмуни бор. Шулардан баъзиларининг ҳаётий мағзини чақиб кўрайлик.

*Ватан гадоси — кафан гадоси, Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл, Ватандан йироқлашган номусдан ўлар,* дейди халқ. Бекорга айтмаган.

... Қишнинг чилласида бир ватандошимиз қари отасини ҳам олиб, Остонадан нари тарафларда яшайдиган қариндошларидан хабар олгани борган экан, тақдир тақозоси билан отаси ўша ерда вафот этибди. Яқинлари маслаҳати билан ўша ерга дафн қиладиган бўлишибди. Овул катталари келишиб, таъзия соатини ҳам белгилашибди. Одамлар йиғилибди, у ерларда аллақачон таомилга кириб бўлган анъанага кўра, бир яшик ароқ ҳам дастурхонга тортилибди. Магнитофонда Арабистондан келтирилган кассета қўйилиб, “Қуръон” тиловат қилинган бўлибди. Кейин дуо ўқилиб, ширакайф одамлар уй-уйига тарқай бошлабди. Соҳиби таъзиянинг боши қотиб, овул оқсоқолини тўхтатиб:

— Майитни кўмиб келмаймизми, ахир? — деб сўрабди.

— Уни энди кўкламда кўмамиз. Ер қақшаб, яхлаб ётибди, гўр қазиб бўладими шу қишда?! Ўликни наматга ўраб, бир бўш хонангга ташлаб қўй, апрелгача тарашадай яхлаб ётаверади, — дебди.

Ўзбекистонлик киши умрида шундай ҳолатга тушганми? Йўқ. Отангнинг майити нариги хонада яхлаб ётса, сен энди қандай ухлайсан?

Ўша кечаси магистраль йўлга чиқиб, юртга кетаётган бир катта машина ҳайдовчиси билан гаплашибди. “Нарсаларимни шу наматга ўраб олдим”, — деган баҳона қилиб, бояги ўралган наматни ҳам ортиб, Ватанга қайтиб келибди...

...Тижорат йўли билан Бирлашган Араб Амирлигига борган бир ватандошимиздан ўша ерлик боёнлардан бири:

— Сен қаерликсан ўзи? Оиланг, бола-чақанг, ҳовли-жойинг борми? — деб сўраб қолибди.

Юртдошимиз Ўзбекистонимизни, ўзи туғилиб ўсган гўзал водийни, сўлим қишлоғини, сўнг ҳовли-жойини таърифлаб кетибди:

— Саккиз сотихли ҳовлим, олти хонали уйим, аёлим, икки ўғил, бир қизим бор. Ҳовлимиз ўртасидан ўтган ариқдан қишин-ёзин зилол сув оқади. Иморатимизнинг атроф-жониби ток сўри. Уч-тўрт тупдан гилос, ўрик, олма, нок, анорлар экиб қўйганман. “Жигули”м, бир сигир, икки бузоқ, тўрт-беш қўйим...

— Рост гапиряпсанми, ёлғонми? — дебди у меҳмоннинг гапини шарт кесиб. — Ахир, бу нарсалар жаннатдагина бўлади-ку! Бу – биринчидан. Иккинчидан, шунча ноз-неъматга эга имкониятни, жаннатдай Ватанингни ташлаб, нима қилиб бу қуп-қуруқ, жазирама юртларда санқиб юрибсан?..

...Бухоронинг Кумушкент қишлоғида тўйда эдик. Дунё кўрган биродаримиз табрик сўзида ғалати мисол келтирувди, ғала-ғовур босилиб, тўйга йиғилган тумонат одам бирдан тинчиб қолди:

— Агар Макка ё Мадинада яшаётган бир арабни уйқусида қишлоғимиздаги ости кўм-кўк майсазор бўлиб ётган хув анави ўрикзорга олиб келиб, уйғотсалар-у, ана шу кўз очиб кўрганинг жаннат бўлади, жўра, десалар, чиппа-чин ишонади. Чунки Арабистондек иссиқ ўлкада бунақа боғ-роғ тушгагина кириши мумкин, холос.

...2004 йил апрелида Бокудаги Рашид Беҳбудов театрида “Навоий ва Фузулий” адабий кечасига қатнашиш насиб этди. Анжуманнинг энг ҳиссий нуқтаси — ҳадди аълоси шу бўлдики, сухандон қиз Фузулийнинг:

***Пунбайи доғи жунун***
***ичра ниҳондур баданим,***
***Дери ўлдуқча либосим будур,***
***ўлсам кафаним, —***

деган матла билан бошланадиган машҳур ғазалини ўқиб келиб, охирги сатрни ширин озарбойжон талаффузида киройи маҳорат билан икки карра такрорлади:

***Ватанимдур, Ватанимдур,***
***Ватанимдур, Ватаним!***
***Ватанимдур, Ватанимдур,***
***Ватанимдур, Ватаним!***

Ғазалда Муҳаммад Фузулий “Ватаним” сўзини қўллаш орқали ёрнинг кўчасини кўзда тутган эди. Лекин, айтсам, ишонмайсиз — театр бу сатрдан мутаассир бўлиб, тамом жунбушга келди. Аксар томошабинлар азбаройи Озарбойжонга бўлган меҳр-муҳаббати жўшганидан бош силкишга тушди. Ҳолбуки, Фузулий асли табризлик эди, агар у бу сўз билан ўз юртига меҳрини ифодалаган тақдирда ҳам, аввало, Эрон Озарбойжонини ўйлаган бўлар эди, албатта.

Бу буюк сатр биз — ўзбекистонликларни ҳам эътиборсиз қолдирмади. Аммо “Ватаним” деганда биз ҳаммамиз Ўзбекистонимизни ўйладик, ҳар биримиз унинг ўзимизга таниш гўзал гўшаларини кўз олдимизга келтирдик, бу бирдан соғинчга, фахрга, меҳрга айланди, юраклар гупирлаб кетди.

Ватан шунақа нарса: “Ҳар кимники ўзига — Ой кўринар кўзига!”

Ўтган тарихан қисқа даврда Ўзбекистон дунёга айтарини айтди. Ер юзидаги катта-кичик ҳар қандай давлат бугун биз билан ҳисоблашишга мажбур. Бугун буни ҳар ким ҳар даражада тушунар, лекин Истиқлол миллий тарихимизга ҳам, жаҳон тарихига ҳам айнан шундай маънода киради.

Ватан, эҳтимол, бизсиз ҳам яшайверар. Лекин, ҳақиқат шуки, биз Ватансиз яшай олмаймиз. Шундай деб ўйлар эканмиз, бошқа бир жиҳат ойдинлашади: демак, биз ҳам Ватанга керак фарзандга айланишимиз лозим. Ватанга керак бўлиш даражасини ҳар ким ўз интилиши, малакаси, меҳнати билан таъминлайди.

Маҳаллангизда бака-банг тўй бўлиб ётса-ю, биров сизни унга чақирмаса, ҳар қандай кишининг кўнглидан аллақандай туйғу кечадими? Мустақиллик йилларида шунча иш қилинаётган бўлса – камида, бу ёғи Нукус, бу ёғи Термизга борадиган темир йўл қуриб битказилса, Қамчиқ довонидан ғизиллаб автомобиллар кечасию кундузи Фарғона водийсини Тошкент ва бошқа минтақаларга, бу ёқни эса водийга улаб турган, Асакада ЎзДЭУ, Бухорода нефтни қайта ишлаш, Қўнғиротда сода заводлари қурилиб, ишлай бошлаган, шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, кўчалар, ўқув даргоҳлари, мақбаралар, зиёратгоҳлар обод бўлаётган бўлса-ю, ўзингизни бу ишларга асло дахли йўқдек сезиб турсангиз, сизни худди ўша тўйга чақирилмагандек бир ҳис-туйғу чулғамайдими?

Айнан Ватан бизда йигирма етти миллиондан ортиқ кишини бир-бирига чамбарчас боғлайди. Руслан Чагаев жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритганида ким қувонди? Жаҳон чемпиони билан халқни боғлаб турган ришта нима? Ватан, албатта.

Ана шундай она юртнинг шуҳрати жаҳон узра порлайверсин. Унинг номи билан суюкли фарзандлари донғи курраи замин бўйлаб таралайверсин.

**Султонмурод ОЛИМ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

**Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ёзги биатлон бўйича Осиё кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этиб, юртимизга медаллар билан қайтишди.**

Мусобақаларда катталар ўртасида Мурод Ҳожибоев, ёшлардан Анузар Юнусов ва Зарема Мамедова, ўсмирлардан Жамшид Тиллаев учтадан олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, биатлончиларимиздан Рустам Мемедов ва Динара Мидинова учтадан кумуш, Дилафрўз Имомҳусанова икки бронза ва бир кумуш ҳамда Анна Дреева биттадан кумуш ва бронза медалга эгалик қилди.

***Украинанинг Ялта шаҳрида армрестлинг бўйича ўтган халқаро турнирда Ўзбекистон шарафини икки карра жаҳон чемпиони Фарид Усмонов ҳимоя қилди.***

## ФАРИД — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ



Ҳамюртимиз турнирнинг дастлабки беллашувларида 95 килограммдан ортиқ вазнлилар ўртасида ҳар икки қўл натижаларига кўра барча рақибларини мағлубиятга учратди ва финалга йўлланма олди. Фарид Усмонов ҳал қилувчи баҳсда россиялик Алексей Семеренко устидан ҳам ғалаба қозониб, турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди.

**(ЎзА).**


ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»

ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

**Она ва бола скрининги давлат дастурини амалга ошириш доирасида ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патология ҳамда туғма нуқсонларни эрта аниқлаш ва олдини олиш мақсадида қуйидаги дори-дармонлар бўйича**

**ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- **таркибида йод моддалари бўлган дори-дармонлар (йодид калия 100 мкг № 100);**
- **тиреоид препаратлари (левотироксин натрий 100 мкг № 100).**

Тендер ҳужжатларининг нархи — 100 (бир юз) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорида миллий валютада тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

**Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:**

- ***АҚШ долларида:*** *ҳисоб рақами 20212840600431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200548507;*
- ***миллий валютада:*** *ҳисоб рақами 20212000000431338001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200548507.*

**Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Охунбобоев к., 15-уй, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси.
Телефон: (+998 71) 132-00-82/83. Факс: (+998 71) 133-89-49.
e-mail: fondsau@uzsci.net**

**Тендер таклифлари бўйича охирги муддат — 2007 йил 15 август куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.**

Ҳомиладор аёлларни перинатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз, фенилкетонурия, муковисцидоз ва галактоземияни аниқлаш учун **«Делфия-Виктор»** аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламларни сотиб олиш мақсадида ўтказилган тендер натижаларига кўра,

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «PRIBORI OY» (Финляндия) фирмаси ғолиб бўлганлигини маълум қилади.**

983Н/1223



САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**2007-2008 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича**

***қабул эълон қилади:***

БАКАЛАВРИАТ:

- *касб таълими (ижтимоий-иқтисодий соҳа);*
- *иқтисодиёт (сервис ва хизматлар бўйича);*
- *молия;*
- *банк иши;*
- *бухгалтерия ҳисоби ва аудит;*
- *суғурта иши;*
- *туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш;*
- *туризм менежменти;*
- *туризм маркетинги;*
- *сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги бўйича);*
- *сервис (сифат экспертизаси, хизмат кўрсатиш ва ишлар сертификацияси);*
- *сервис техникаси ва технологияси (хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича).*

МАГИСТРАТУРА:

- *касб таълими;*
- *тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича);*
- *менежмент (хизмат соҳалари бўйича);*
- *консалтинг хизматлари маркетинги;*
- *молия, пул муомаласи ва кредит;*
- *аудит (тармоқлар бўйича);*
- *лизинг ва баҳолаш хизматлари маркетинги.*

**Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:**

- институт ректори номига ариза;
- ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки дипломнинг асл нусхаси;
- 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;
- 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

***Паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади.***

***Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссияси томонидан 2007 йил 20 июлгача, магистратурага 30 июлгача қабул қилинади.***

***Тест синовлари 1 август куни ўтказилади.***

**Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй.
Телефонлар: (8-366) 233-38-72, 233-38-73.**

974Н/1199



ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS




Маҳсулот сертификатланган

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz



МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



**«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.**

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

**(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.**



Маҳсулот сертификатланган

***Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.***

**Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t]-Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 23456